

Назарова Афзуна
Адабиётишунослик (афгон адабиёти)
мутахассислиги 2-курс магистранти
Илмий раҳбар: ф.ф.д., проф. Маннонов А.М.

Бориқ Шафий ва унинг “شهر حماسه” – “Шаҳри ҳамâса”

(“Жасорат шаҳри”) номли тўплами

Афғонистоннинг дарийзабон забардаст шоири, сўнгги давр услуби намоёндаларидан бири Муҳаммад Ҳасан Бориқ Шафий 1931-йил (1932-йил)¹ Кобулда туғилган. Ўрта таълимни ҳам шу ерда олиб, бир қанча давлат идораларида ишлади. Шоир ижодини 50-йилларнинг ўрталаридан бошлади. Унинг дастлабки шеърларидан бири “شېستان قبرها” – “Қабрлар хужраси” миллий адабий мукофотга сазовор бўлган. 1961-1962-йилларда Бориқ Шафий “Театр” журнаliga котиблик қилди. Кейинроқ “Жвандун” (паштуча “Ҳаёт”) газетасида маъсул лавозимлардан бирида ишлаб юрган Бориқ Шафий, шеърларини шу газетада нашр эттирди, вақт ўтиб шу газетанинг муҳаррири вазифасида ўз фаолиятини олиб борди. У Афғонистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам алоҳида ўрнига эга бўлиб, ўз даврининг фаол иштирокчиларидан бўлган. Аммо бизни қизиқтирган томони унинг бадиий ижоди.

Дастлаб анъанавий усулда шеърлар битган Бориқ Шафий, кейинчалик, шеърдаги ўзгаришларнинг тарафдорларидан бири сифатида “шеъре нав” услубида ҳам ижод қила бошлади. У шеърларида янги мазмунни юзага чиқариш билан бирга, кўпчилик ўқувчиларнинг диққат марказига айланган, тобора оммалашиб бораётган янги қолипда ҳам шеърлар ёзди.

Шоирнинг илк тўпламидаги шеърлар ҳам янги ҳам эски услубда ёзилган шеърлар бўлиб “ستاک” – “Новдача” номи остида 1963-йил Кобулда нашр этилган². Кейинги йилларда чоп этилган “شهر حماسه” – “Жасорат шаҳри” (1979), Тожикистонда нашр этилган “نوران ساز” (1980) тўплами, “شېپور

¹ Николай Тихонов ўзининг «Из современной Афганской поэзии» асарида келтирган Б.Шафий ҳақидаги маълумотларда шоирнинг туғилган йили 1932-йил деб кўрсатилган. Тихонов Н. Из современной Афганской поэзии. – М.: «Радуга», 1983. С.163

² غلام محمد لعلزاد. شعر معاصر دری در افغانستان. - دهلی، 1998. ص 279

”انقلاب“ – “*Инқилоб хабари*” (1987) асарларида ҳам шоир янги ва эски услубда ёзилган шеърлардан бетакрор шеър намуналар келтирилган.

1978-йил – “Савр инқилоби”гача бўлган даврда Афғонистонда революцион адабиёт вужудга келди. Шоирнинг йирик шеърий тўпламларидан бири – “شهر حماسه” – “*Жасорат шаҳри*” айнан шу давр адабиётининг ёрқин намунаси десак хато бўлмайди. Китоб муқаддимасида шоир бу китобда келтирилган шеърларни “адолатсизликнинг қора кунларида жанговарлик ва инқилобга самимий чақирув”³ сифатида ёзганлигини, ва бу шеърлар “инқилоб ниҳолини ўзларининг қизил қони билан суғорган бегуноҳ шахидлар”⁴нинг ёрқин хотирасига бағишлаганини эътироф этади.

“شهر حماسه” – “*Жасорат шаҳри*” китоби муқаддимасида, таҳририятнинг келтиришича⁵, ушбу тўпلامда акс эттирилган шеърлар ижтимоий мавзуда бўлиб, бу тўпلامда шоирнинг ғазаллари келтирилмаган. Шеърлар билан танишишимиз асносида шоирнинг ушбу шеърий тўпламида “янги шеър” услубида ёзилган шеърлар билан бир қаторда анъанавий вазнда битилган ғазаллар ҳам келтирилганининг гувоҳи бўлдик. Тўпلامда шоирнинг 76 та шеърлари мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти ижтимоий сиёсий мазмунда. Шоир шеърларида ватан мадҳи, юртга муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари билан бирга мамлакатдаги парокандалик, зиддиятлар, ижтимоий-сиёсий ҳолатдан норизолик, ватанининг ҳароб ҳолига ачиниш ҳислари куйланган. Шунингдек, Бориқ Шафий Афғонистондаги қолоқлик, дунё тамаддунидан орқада қолиш ҳолатларига ҳам теран нигоҳ ташлаб, шеърларида халқни юксалишга, илм-маърифатга даъват, ўзгаришларга бефарқ қараб турмасликка, кўп йиллик уйқудан “уйғониш”га ундашдек мавзуларни қаламга олган. Шоир бундай ифодаларни шу қадар куюнчаклик билан тасвирлаганки, ўқувчи бу сатрларни бефарқлик билан

³ بارق شفیعی. شعر حماسه. - کابل، 1358.

⁴ بارق شفیعی. شعر حماسه. - کابل، 1358.

⁵ بارق شفیعی. شعر حماسه. - کابل، 1358. ص الف

ўқимайди, балки бу шеърлар унинг шуурига таъсир қилиб, уни келажакка умид билан боқишга, бахтли ҳаёт қуришга чорлайди.

Шеърлар ёзилган йилларга назар ташлайдиган бўлсак, бу шеърларни 1950-1980 йиллар оралиғида ёзилганининг гувоҳи бўламиз. Шеърлар бир тартибда, тизимли ҳолда хронологик жойлаштирилган. Бу даврда мамлакатдаги сиёсий аҳвол тинимсиз ўзгаришда эди. Ҳукумат тепасига бир бошқарувчи келиб, ўз ҳукмронлигини ўрнатиб турган бир вақтда, муҳолифлари томонидан ағдарилганидан сўнг унинг изидан бошқаси келар ва у ҳам ўз куйини чалар эди. Улардан халққа келадиган “фойда” кўп ҳолларда азият, ранж, жудолик эди холос. Ҳар бир ҳукумат ва у юргизган сиёсатнинг натижаларини биз шоир ижодида кўришимиз мумкин. Совет Иттифоқининг мамлакатга кириб келиши, уларнинг олиб борган ислохатлари, бу ислохатларнинг халқ ҳаётига бўлган яхшими-ёмонми таъсири турли рангларда ифодаланган. Шундан келиб чиқиб шоирнинг ушбу тўпламида жанговорлик руҳида ёзилган шеърлари салмоқли ўринни эгаллайди. Уларда халқни бирлашишга ва курашишга, ғанимларга таслим бўлмай олға интилишга чорланган ўтли сатрлар ифодаланган. Шунингдек, мамлакатнинг харобатга юз тутгани-ю баъзи одамларнинг бепарволигидан куюнчаклик тасвирлари надомат ила келтирилган.

“شهر حماسه” – “*Жасорат шаҳри*” тўпламидаги дастлабки шеърлар анъанавий ғазал жанрида ёзилган. Маълумки, моҳиятан арабча “ошиқона сўз”, “хотин қизлар билан ёқимли муомалада бўлиш” маъносини англатувчи ғазал атамаси араб шеъриясида VI-VII асрларда пайдо бўлиб, форс-дарий адабиётига X асрда кириб келган.

Адабий атама сифатида ғазаллар аруз вазнида ишқ-муҳаббат ҳақида ёзилган, а-а, б-а, д-а, э-а,...тарзида қофияланган, матлаъ ва мақтаъга эга бўлган шеърни англатади⁶.

Илмий адабиётларда ғазалларнинг ҳажми 3-4 байтдан 19 байтгача бўлиши қайд этилган, аммо ҳажман 23 байтгача бўлган ғазаллар ҳам

⁶Matchonov S., Sariyev Sh. Adabiyot. – T., Sharq, 2011. - B.43.

учрайди. Ғазалнинг биринчи байти матлаъ (*ар. бошланма, чиқиш*), деб аталади ва ундаги мисралар ўзаро а-а тарзида қофияланади, қолган байтлардаги жуфт мисралар эса матлаъга қофиядош бўлади. Ғазалнинг охирги байти эса мақтаъ (*ар. тугалланма, кесилиш*) деб аталиб, унда одатда шоирнинг таҳаллуси келтирилади. Аммо таҳаллуссиз ғазаллар ҳам бўлиши мумкин.

Дастлабки ғазаллар, асосан, ишқ-муҳаббат мавзусида яратилган бўлса-да кейинчалик унинг мавзу доираси муттасил кенгайиб бруган ва пировардида мавзу жиҳатидан чекловлардан буткул фориғ бўлган. Шунинг учун Шарқ шеъриясида ғазал мавзусига кўра ғоят ранг-баранг бўлиб, бу жиҳатдан уни ошиқона, орифона, риндона, ҳажвий, публицистик, ахлоқий-таълимий каби турларга бўлиш мумкин⁷.

Бориқ Шафийнинг “شهر حماسه” – “*Жасорат шаҳри*” тўпламида келтириган ғазаллари ва бошқа барча шеърларининг тематикаси хусусида биз кейинги бобимизда тўхталамиз.

Шоирнинг ғазаллари асосан арузнинг ражаз, рамал баҳрларининг тармоқ вазнларида. Бунинг исботи сифатида тўпланда келтирилган ушбу шеърлар “زنده مردگان” – “*Тирик ўликлар*”, “تابکی” – “*Қачонгача?*” кабиларда аруз вазнини кўришимиз мумкин. “زنده مردگان” – “*Тирик ўликлар*” шеъри 4 рукндан иборат бўлган 5 мисрали 9 банд. Шеър арузнинг ражази мусаммани марфуъ баҳрида ёзилган. Қофияланиш тартиби а-а-а-а-а, б-б-б-б-а, д-д-д-д-а... тарзида. “تابکی” – “*Қачонгача?*” анъанавий ғазал жанридаги ражази мусамман баҳрида ёзилган, 16 мисрадан иборат. تابکی – табакай сўзи 1-2- ва кейинги жуфт мисраларда радиф ўрнида қўлланилган. Шунга ўхшаш анъанавий жанрдаги шеърлар сирасига “همه خوابند” – “*Ҳамма ухламоқда*”, “آیین” – “*Фалак қонуни*” шеъри ҳар бири 6 мисрадан 6 бандлидир. Аммо ушбу шеърнинг бандланиши янгича шаклда. Мусаддасдан фарқланади, яъни ҳар бир банддаги 6 мисрадан 4 мисрасида бир хил радиф қўлланилган, 2

⁷ Quronov D. adabiyotshunoslik lug'ati. – T., Akademnashr. 2013. - B.393.

мисрадан бошқа радиф ишлатилган. Иккинчи банднинг 4 мисрасида яна бошқа радиф, кейинги 2 мисрасида умуман бошқа радиф қўлланилган.

Бориқ Шафийнинг айнан шу тўпламдаги бир қатори шеърлари, хусусан, "همه خوابند" – "Барча уйқуда", "داغ عشق" – "Ишқ доғи", "هر قدر" – "Қар қанча", "آبله پا" – "Оёқ яраси", "جان هنر" – "Санъатнинг қалби", "گوهر نایاب" – "Ноёб гавҳар" шеърларида анъанавий шеърлар хусусиятларидан бири бўлган таҳаллус ишлатилганининг гувоҳи бўламиз.

Шоирнинг аксарият шеърлари "шеъри нав" услубига мансуб бўлган шеърлар. Замон талаби билан дастлаб мазмунга кирган янгиликлар адабиётнинг, хусусан, шеъриятнинг ҳам ривожланиши асносида шаклда ҳам ўзининг новаторлигини намоён қилди. Бориқ Шафий ижодида ҳам биз новаторликни кузатамиз. Унинг новаторлиги шундаки, шоир шеър мазмунига янгилик киритиш билан бирга, шеър шаклини ҳам ўзгартирди. Шоирнинг анъанавий услубдан чекиниб "шеъри нав" услубида шеърлар ёзишига сабаб шу бўлдики, янгиланишлар, мавжуд вазият, ижтимоий аҳвол, сиёсий тузумдан келиб чиққан ҳолда ўқувчига айтмоқчи бўлинган фикр анъанавий мазмун ва қолипда тўла-тўқис ўз ифодасини топмас эди. Мумтоз жанрлар, вазн талаби шоирнинг фикрига қайсидир маънода чегара қўяр, ҳис-туйғуларини эркин баён қилишга йўл қўймас эди. Шоир учун мазмунни аниқ ва эркин етказиб беришда "янги услуб" қўл келди. Энди адибнинг ўй-хаёлларини баён қилишда шакл ўз аҳамиятини йўқотиб, анъанавий қолипдан ташқарига чиқди.

Шоирнинг айнан шу "شهر حماسه" – "Жасорат шаҳри" тўпламидаги бир қатор "بلار د بلا", "قسم", "بی پرده جلوه کن", "کو؟" каби шеърларида ҳам мазмундаги ҳам шаклдаги ўзгаришларни кузатамиз. Шеърлардаги ифодаларда чуқур руҳий кечинмалар, қалбдаги нозик туйғулар, изтироблар чиройли ва ўзгача руҳда тасвирланган. Бундай тасвирлар Бориқ Шафий ижодида эронлик "янги шеър" усталари, айниқса, Нимо Юшижнинг таъсири остида юзага чиққанлиги сезилиб туради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак шоир шеърнинг бор хусусиятларини ўз ичига олган ҳолда, шеърларида ҳозирги афғон жамиятидаги кўпгина мавзуларни тилга олган. Шоирнинг “شهر حماسه” – “*Жасорат шаҳри*” тўплами орқали биз XX аср афғон адабиётида асрлар бўйи мавжуд бўлган анъанавий шеърлар билан ёнма-ён “шеъре нав” – “янги шеър” деб аталган шеър турининг кириб келганини кўрамиз. Бу тўпламда ҳам анъанавий йўналишда, ҳам “шеъре нав” йўналишида ёзилган шеърлар мавжуд. Хусусан, баъзи шеърлари шаклан анъанавий ғазал жанрида бўлса-да, мазмунан замонасининг чуқур ижтимоий мавзуларини ҳам кўтариб чиққан. Кейинги ишларимиз шуни кўрсатадики, Бориқ Шафий ижодидаги ҳам мазмун, ҳам шаклий хусусиятлари, ютуқлари, новаторлиги, ҳозиржавоблиги айнан “шеъре нав”да ёзилган шеърларида мужассам.

Албатта, унинг шеърларига танқидий кўз билан ҳам назар ташламасликнинг иложо йўқ. Шу нуқтайи назардан ёндашадиган бўлсак, шоир ижодининг кўп қирраларини яъни ундаги шоир ифодалаган бадиий нутқлар билан бирга камчиликларни ҳам кўрамиз. Бизнинг ишимиз шоирнинг ижоди орқали ўша давр адабиётига сайр қилиш, унинг турфа хил қирраларини, ижобий ва салбий томонларини аниқлаб, XX аср афғон адабиётининг кўзга ташланмаган хусусиятларини ўқувчига маълум қилишдир. Зероки, улуғ ўзбек алломаси, маърифатпарвар адиби Чўлпон айтганидек, “Адабиёт миллат кўзгусидир”. Биз шу кўзгу орқали миллатнинг турмуш тарзи, ҳаёти, урф-одатлари-ю ўзига хосликлари билан яқиндан танишамиз.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Николай Тихонов ўзининг «Из современной Афганской поэзии» асарида келтирган Б. Шафий ҳақидаги маълумотларда шоирнинг туғилган йили 1932-йил деб кўрсатилган. Тихонов Н. Из современной Афганской поэзии. – М.: «Радуга», 1983.
2. Matchonov S., Sariyev Sh. Adabiyot. – Т., Sharq, 2011.
3. Quronov D. Adabiyotshunoslik lug’ati. – Т., Akademnashr. 2013.

4. غلام محمد لعلزاد. شعر معاصر دری در افغانستان. – دهلی، 1998
5. باریق شفیع. شحر حماسه. – کابل، 1358